Золим хукмдор битта бўлади, халк эса кўп. Миллионларни бошкараётган одам кўпинча ўз хотиржамлигини йўкотиб кўяди, чунки кимдир ундан шубхалана бошлайди ёки у кимгадир ёкмайди. Хаммага бирдек ёкишнинг иложи йўк. Шунинг учун хам инсоният тарихида бошкача фикр килувчиларга токатсиз бўлган золим хукмдорлар кўп бўлган ва улар "минг одамнинг ўлими – статистикадан бошка нарса эмас", деб хисоблаганлар. Куйида уларнинг энг вахшийлари билан танишасизлар.

## Оливер Кромвель



Рўйхатни инглизлар билан бошлаймиз. Ўн еттинчи асрда яшаган сиёсатчи ва харбий кўмондон — Оливер Кромвель. Унинг Шотландия ва Ирландия католикларга нисбатан кандайдир алохида бир нафрати бўлган. Иктидорга келгач, Ирландияда 50 000 дан ошик одамни ўлдириб юборган. Данди шахрида эса бандаргох билан кўшиб, шахарда яшовчи 2000 одамни ўлдирган.

## Максимилиан Робеспьер



Рўйхатнинг иккинчи ўрнини француз Максимилиан Франсуа Мари Исидор де Робеспьер эгаллаган. Кўпкиррали шахс бўлган: сиёсатчи, воиз, хукушунос, инкилобчи ва энг золим хукмдорлардан бири. У Францияда бўлган "Террор асри" бошида турган. Франция

инкилобида оксуяк, рухоний ва олдинги хукумат тарафдорлари оммавий равишда катл килинган. Унинг хисобида 40 000 дан ошик нобуд килинган хаёт бор. 1794 йили у махкамага тортилиб, тартибсиз хукумлари учун бошидан айрилган.

## Иван Грозный



Грозний Иван IV Васильевич — ўрислар подшохи деганда биринчи бўлиб ўйга келадиган одам. Уни хозирги Россия худудининг асосчиларидан деса бўлади. Давлатда баъзи ислохотларни амалга оширгани билан у атрофидаги хаммани соткинликда гумон килган. Масалан, у бутун бир шахар ахолисини Полша билан тил бириктирганликда гумон килиб, уни куршаб олади ва хар куни унинг кўшинлари 1500 одамни танлаб, катл килар эди. Мусулмон хонликларини босиб олиб, уларнинг ахолисини хам кириб ташлаган. (Козон хонлиги)

## Влад III



Валахия хукмдори Влад Цепиш 40 мингдан 100 000 гача одамнинг ёстигини куритган. Руминиялик золим бундан рохатланган бўлса керак.  Валахияни ўз назоратига олиш максадида мамлакатга кирган турк кўшинлари бир шахарга кираверишда 20 000 дан ошик чириб кетган ўликларнинг бадбўй хидидан  оркага кайтиб кетишади.

## Иди Амин



1971 йили иктидорни кўлига олган Уганданинг кора танли золим хукмдори нафакат мамлакатни тўлик инкироз боткогига ботирди, балки шу билан бирга давлатнинг 1,500,000 ахолисини хам кириб юборди. Иди Амин Иван Грознийга ўхшаб атрофидаги хаммани соткинликда гумон килар эди.

## Пол Пот



Камбоджанинг ўта золим хукмдори. Унинг «интеллигенция»га бўлган нафрати чексиз эди ва 4 йил ичида  1.5 миллион одамни йўк килди. Унинг бу жиноятлари расмий равишда геноцид деб аталган.

## Леопольд II



[illegible]

## Адольф Гитлер



Бутун тарих бўйича энг танилган шахс, десак муболага килмаган бўламиз. У хакида канча гапирсак оз бўлаверади. Унинг режими турли мамлакатларда бир эмас, икки эмас, ўн миллиондан ошик одамнинг бошига етган.

## Йосиф Сталин



Сталинга хам алохида таъриф бериш шарт бўлмаса керак. Хисоб-китобларга караганда сиёсий ёки бошка карашлари учун унинг режими 3 миллиондан ошик одамни ўлдириб юборган. Ундан хам кўп одамларни камаган ва сургун килган. Унинг хукмдорлик даврида Собик Иттифокда олти миллиондан ошик одам очликдан кирилиб кетган.

## Мао Цзэдун



[illegible]